



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 06 | pp. 195-203 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ИСЛОМ МОЛЯВИЙ ХИЗМАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ



Бабамаатов Толиб Хакимович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Ушбу мақолада ислом молиявий хизматларини жорий этишнинг назарий асосларини шакллантириш йўллари ҳамда мавжуд муаммолар таҳлили ва ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада замонавий ислом молияси халқаро молия бозорларининг ривожланаётган ислом молиявий хизматларинидан фойдаланиш истиқболларини Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида фойдаланишни жорий этишдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: ислом сиёсий тизими, ислом иқтисодий тизими, ислом молия тизими, ислом молияси, мушорака, сукук, мудораба, муробаҳа, молиялаштириш, ислом банклари, ислом дарчалари, ислом молиявий хизматлари.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВНЕДРЕНИЯ ИСЛАМСКИХ ФИНАНСОВЫХ УСЛУГ

Бабамаатов Толиб Хакимович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация: в данной статье будет рассказано о способах формулирования теоретических основ внедрения исламских финансовых услуг, а также о совершенствовании анализа и перспективах развития существующих проблем. В статье также представлены актуальные проблемы в реализации перспектив использования развивающихся исламских финансовых услуг международных финансовых рынков современных исламских финансов в экономике Республики Узбекистан, а также авторские подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: исламская политическая система, исламская экономическая система, исламская финансовая система, исламские финансы, мушорака, сукук, мудораба, муробаҳа, финансирование, исламские банки, исламская корица, исламские финансовые услуги.

THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE INTRODUCTION OF ISLAMIC FINANCIAL SERVICES

Babamatov Tolib Khakimovich

Tashkent State University of Economics

Abstract: this article will talk about ways to formulate the theoretical foundations of the introduction of Islamic financial services, as well as about improving the analysis and prospects for the development of existing problems. The article also presents current problems in the implementation of the prospects for the use of developing Islamic financial services in the international financial markets of modern Islamic finance in the economy of the Republic of Uzbekistan, as well as the author's approaches and proposals to eliminate them.

Keywords: Islamic political system, Islamic economic system, Islamic financial system, Islamic finance, mushoraka, sukuk, mudoraba, murobaha, financing, Islamic banks, Islamic cinnamon, Islamic financial services.

Кириш. Ислом молиясига бўлган қизиқишнинг ҳозирги мисли кўрилмаган даражаси сўнгги бир неча йил ичида ижтимоий - сиёсий иқлим ўзгариши билан бирга бир қатор Исломий давлатлар бойлигининг ўсиши билан юзага келди. Ижтимоий масъулият, ахлоқ қоидалари ва ҳалол ишбилармонлик муносабатларига катта эътибор қаратилганлиги сабабли, Ислом молияси ҳозирги кунда анъанавий молия тизимига ҳақиқий муқобили сифатида қаралмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Ислом қонунлари инсон фаолиятининг барча жабҳаларига, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт ва жамият шаклланишига таъсир қилади. Шундай қилиб, адабиётларда ислом сиёсий тизими, ислом иқтисодий тизими ва ислом молия тизими каби атамалар кенг қўлланилади. Ушбу турли хил ислом тизимлари уларни одатдаги тизимлардан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятларга эга.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида: “Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади” [1], – деб таъкидлаб ўтди.

Ислом молияси бутун дунё бўйлаб халқаро молия соҳасида ўсишни бошлади ва сўнгги йилларда Ислом молиясининг қарийб 20% йиллик ўсиши, қисман ислом молиявий фаолиятни, шу жумладан капитал, иштирок этиш ва мулкни тартибга солувчи тамойиллар туфайли уларнинг барқарорлиги ва кенг жозибдорлигини кўрсатмоқда. Назарий жиҳатдан, Исломий молия хатарларни тақсимлашга, ҳаддан ташқари таваккалчилик чекловларига ва ҳақиқий фаолият билан мустаҳкам алоқага эътибор қаратганлиги сабабли турли хил инқирозларни енгилик билан бартараф этиши мумкин, аммо ислом молияси хизматларини миллий иқтисодиётимизга жорий этиш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили. Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда, сўнгги йилларда турли иқтисодчи олимларнинг илмий адабиётларида ислом молияси хизматлари мавзуси кўплаб тушунчалар ва илмий изланишлар мавжуд. Қуйида Ислом банк хизматлари иқтисод, молия ва ислом ҳуқуқи соҳаларидаги машҳур олимлар фикрларини келтириб ўтамиз. Жумладан: Муҳаммад Кабир Ҳасан ўз асарларида Исломий банк тизимини, Исломий капитални молиялаштириш турларини таҳлил қилган, шунингдек, молиявий

операцияларда битимнинг ўзидан ташқарига чиқадиган диний жиҳатни таъкидлаб ўтган [2].

Шунингдек, сўнги йилларда жадал ривожланиб бораётган ва жаҳон молиявий маконини ишончли забт этаётган Исломий молия тизимига бўлган қизиқиш тобора кучаймоқда. Янги исломий банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция жамғармалари ташкил қилиниб, ҳатто ушбу тизим мусулмон бўлмаган мамлакатларда ҳам кенг ривожланаётгани эътиборга молик.

С&П Глобал Ратингс маълумотларига кўра, «глобал исломий молия сектори 2022 йилда муҳим босқични босиб ўтди, умумий шариятга мос активлар 9,4 фоизга ўсиб, 3 миллиард доллардан ошиб кетди. Кўрфаз ҳамкорлик кенгаши (ГСС)даги ислом банклари ўртасидаги мустаҳкам ўсиш ва соғлом сукук бозори туфайли 2023-2024 йилларда ҳам худди шундай ўсиш кутилмоқда» [3].

Ислом молия тизими нафақат мусулмон дунёси билан чекланиб қолмай, балки баъзи мусулмон бўлмаган мамлакатларда ҳам машҳурликка эришмоқда. Энди мусулмон бўлмаган давлатлар ҳам Исломий деривативларга катта қизиқиш билдирмоқда ва улардан фойдаланмоқда. У молия секторини реал иқтисодиёт билан боғлайди ва таваккалчиликни тақсимлашга ёрдам берадиган активлар ва ахлоқий инвестициялар билан таъминланган капитал иштирокига асосланган ҳисобланади [4].

Ислом молия тизими ва анъанавий молия тизими томонидан тақдим этиладиган маҳсулотлар ва хизматлар бир-биридан унчалик фарқ қилмайди, аммо Ислом молия тизими томонидан тақдим этилган тақлифлар ўрнатилган ахлоқий таълимотларга асосланади. Ислом иқтисодиётни ташкил этишнинг ўзига хос иқтисодий маданият тизимини тавсия қилади, бу бошқа фалсафа мактабларига тақлиф қилинганидан кўп жиҳатдан фарқ қилади [5]. Ислом молия тизими ўзига хос ва бошқа анъанавий молиявий тизимлардан характер, операциялар ва активлар ва пасивлар таркиби, тузилиши жиҳатидан фарқ қилади [6]. Юқорида келтирилган фикрларга қўшимча қилган ҳолда ислом молия хизматлари фойда ва зарарни тақсимлаш тамойилларига асосланади, анъанавий тизим эса белгиланган фойда маржасини тақлиф қилади. Шунингдек, жисмоний шахслар ёки корхоналарни молиялаштиришда фоизларни олиш ва тўлашни чеклаш Ислом молия тизимининг асосидир.

Ислом молия тизими реал иқтисодиёт билан боғлиқлик туфайли ноаниқликни камайтиришга ёрдам беради. Исломда чайқовчилик (спекуляция) тақиқланади, чунки у юқори даражадаги ноаниқлик билан бирга келади ва озчилик инвестор кўпчиликни йўқотадиган нарсага эга бўлган қимор ўйинидир [7].

Левис ва Алгаоудлар “ислом молиясининг ўзига хослигини ёки асосини ташкил этувчи бешта диний хусусият мавжуд, яъни рибо (фоиз), ҳаром (тақиқланган) ёки ҳалол (рухсат этилган), ғарар (ноаниқлик) ёки майсир (қимор), закот ва шарият (ислом) кенгаши. Исломда молиялаштириш тушунчаси анъанавий ёки “Ғарб молияси”дан фарқ қилади” дея таъкидлаб ўтиган [8].

Умуман олганда юқорида келтирилган чет эллик олимларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда, Ислом молияси фаолияти, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг ривожланишига қўшимча туртки берадиган инновацион исломий банк хизматлари

ёки молия саноати учун инновацион лойиҳалардир. Шунингдек, бизнинг фикримизча, Ислом молиявий хизматлари жамият манфаатлари даражасида ҳар бир алоҳида мамлакатда тасдиқланган пул-кредит сиёсати доирасида ва шариат қонунлари асосида ишлайдиган мега-регулятор сифатида белгилаш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ислом молиявий хизматларидан фойдаланиш усуллариининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб, тегишли ҳулосалар шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда илғор халқаро тажрибани татбиқ этиш орқали республикаимизда ислом молиявий хизматларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, 2019 йил 1 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси (ХИСМК) ҳамда Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорациясига (ИЭКСИК) аъзолиги тўғрисида”ги ПҚ-4147-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра мамлакатимизда ХИСМК ва ИЭКСИК ўз авуарларини сақлаши мумкин бўлган депозитарий - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юклатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ИЭКСИКнинг 347 500 АҚШ доллари эквивалентидаги (умумий қиймати 250 000 ислом динорига тенг) 250 та акциясига ҳамда ХИСМКнинг 695 000 АҚШ доллари эквивалентидаги (умумий қиймати 500 000 ислом динорига тенг) 50 дона акциясига ўрнатилган тартибда обуна бўлишни таъминлаш вазифаси ҳамда иловага мувофиқ тасдиқланган тўловлар жадвалига асосан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети қўшимча манбалари ҳисобидан ИЭКСИК акцияларининг 50 фоизига обуна ҳақини тўлаш учун 125 000 ислом динори эквиваленти ҳамда ХИСМК акцияларига обуна ҳақини тўлаш учун 500 000 ислом динори эквиваленти миқдоридagi маблағларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ажратилиши белгилаб берилди.

Ўзбекистонда ислом молиявий хизматлари саноатининг кенг қамровли жорий этилиши мамлакатимиз учун қуйидаги имкониятларни ривожлантиришга хизмат қилади:

- хориждан келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш ва диверсификациялаш;
- банк тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат муҳитини яратиш ҳамда банк тизими активларини диверсификациялаш имкониятини яратиш;
- аҳоли ва бизнес вакиллари ихтиёрида бўлган бўш пул маблағларининг иқтисодиёт ривожланишида максимал иштирокини таъминлаш;
- мамлакатда капитал бозорини ривожлантириш ва диверсификациялаш;
- аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали, молия бозоридagi фаоллигини кўтариш.

1 - жадвал

Араб мувофиқлаштириш гуруҳи маблағлари ҳисобидан амалга ошириш учун таклиф этилаётган инвестиция лойиҳалари рўйхати¹

№	Лойиҳанинг номи	Лойиҳа мақсади	Лойиҳанинг нархи (млн. долл.)	Кредит суммаси (млн. долл.)
Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси (ҚАИТЖ)				
1.	Янгиланган намунавий лойиҳалардан фойдаланган ҳолда арзон турар-жой биноларини қуриш Дастурининг инфратузилма қисмини биргаликда молиялаштириш.	Тегишли коммуникатсия ва инфратузилмага эга намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини ошириш.	168,1	30,0
2.	Ўзбекистон Республикаси нейрохирургия хизматини юқори технологияли тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.	Республика нейрохирургия маркази ва республика ҳудудларидаги 22 нейрохирургия бўлимларини юқори технологияли ускуналар (1180 дона) билан жиҳозлаш.	35,0	28,0
Жами:			203,1	58,0
Саудия тараққиёт жамғармаси (СТЖ)				
3.	Сурхондарё вилояти Шеробод туманида ичимлик суви таъминотини яхшилаш.	Узунлиги 56 км (Д-250-530 мм) ва 8 дона магистрал сув қувурини қуриш. сув тақсимлаш тугунлари, шунингдек, 20 км (Д-50-160 мм) тақсимлаш тармоқлари.	26,7	22,5

¹ О'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5-martdagi PQ-4224-son "Islom taraqqiyot banki guruhi va arab muvofiqlashtirish guruhi jamg'armalari bilan sheriklikni yanada kengaytirish va chuqurlashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori

4.	Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалардан фойдаланган ҳолда арзон уй-жойлар қуриш дастури.	Тегишли коммуникатсия ва инфратузилмага эга намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш.	100,0	75,0
Жами:			126,7	97,5
ОПЕК Халқаро тараққиёт жамғармаси (ОПЕК жамғармаси)				
5.	Наманган вилоятининг Заркент, Хожикент, Исковот, Булоқбоши, Бўстон, Ёшлик қишлоқлари ҳамда Наманган шаҳрининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш.	Янгиқўрғон вилояти ва Наманган шаҳрининг шимолий қисми аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни кўпайтириш, сув таъминоти тизимининг ишончилигини мустаҳкамлаш, ресурсларни тежайдиган чоратадбирларни амалга ошириш, “Заркент” ва “Булоқбоши” сув олиш иншоотларини қуриш, ичимлик суви, сув қувурлари ва тармоқларини тақсимловчи янги иншоотлар. Ичимлик сувидан норатсионал фойдаланиш, унинг йўқотилиши ва сизиб чиқишини камайтириш.	75,0	50,0
6.	Урганч шаҳрининг иссиқлик таъминотини ривожлантириш схемаси.	Иссиқлик таъминоти тизимига илғор технология ва ускуналарни жорий этиш орқали 18 та қозонхонани реконструкция қилиш ва модернизация қилиш, 2 та қозонхонани капитал таъмирлаш.	18,0	14,3
Жами:			93,0	64,3
Умумий миқдори			422,8	219,8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 5-мартдаги ПҚ-4224-сон “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари

билан шерикликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Ислом тараққиёт банки гуруҳи (ИТБ) ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари (АМГ) билан узоқ муддатли шерикликни янада кенгайтириш, шунингдек, устувор лойиҳаларни ва улар билан ҳамкорлик дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2004-йилдан буён ИТБ гуруҳи Ўзбекистон Республикасига йўл-транспорт, енергетика ва коммунал инфратузилма, қилиш, қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини модернизация қилиш, ичимлик суви таъминоти, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини ривожлантириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун умумий миқдори 1,9 млрд. доллар бўлган узоқ муддатли кредитлар берилди;

Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари 1998 - 2018-йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш, таълим, ичимлик суви таъминоти, ирригация ва мелиорация, автомобил ва темир йўллар қурилиши, қишлоқларда уй-жой қурилиши соҳаларидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун умумий миқдори 529,5 млн. доллар маблағ ажратди;

2018-йил 19-сентябрда ИТБ гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасида 1,3 млрд. доллар миқдоридagi инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси билан ИТБ гуруҳи ўртасида 2018 - 2021-йилларга мўлжалланган Шериклик стратегияси имзоланди. Унга кўра:

- энергетика, йўл-транспорт, коммунал инфратузилмани модернизация қилиш, уй-жой қурилиши, банк-молия тизимини ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик секторини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини такомиллаштириш ҳамда республика тармоқлари ва ҳудудларини комплекс ривожлантиришнинг бошқа йўналишлари бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ИТБ гуруҳининг, шу жумладан Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси (ХСРБИК), Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси (ХИСМК), Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси (ИЕКСИК), Ислом тадқиқот ва таълим институти, шунингдек, Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармаларининг молиявий маблағларини жалб этиш;

- банк секторида исломий молиялаштириш асосларини жорий этиш, давлат-хусусий шериклиги механизмларини, жумладан вақф-жамғармаларни ташкил этиш йўли билан қўллаб-қувватлаш дастурларини биргаликда ишлаб чиқиш ва Ўзбекистонда татбиқ қилиш;

- республика тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт имкониятларини мустаҳкамлаш учун ХСРБИК, ХИСМК ва ИЕКСИК молиявий ресурслари ва маҳсулотларини фаол жалб этиш каби вазифалар белгилаб берилди.

Хулоса. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун ислом молиявий хизматлари бозорида рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини оширишга имкон берадиган Ислом банкларининг улкан салоҳиятидан мақсадли фойдаланишлари мумкин.

Ислом молиявий хизматлари бутун дунё бўйлаб ўз фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришда давом этмоқда. Шунинг учун мамлакатимизда Исломий молиявий хизматларни ривожлантиришнинг қуйидаги жиҳатларига аолҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, сўнгги йилларда Исломий кредитлар, шариат суғуртаси, Исломий инвестициялар ва бошқалар каби Исломий молиявий маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда. Янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш кўпроқ мижозларни жалб қилади ва бозорнинг турли сегментлари эҳтиёжларини қаноатлантиради.

Иккинчидан, Ислом молиявий хизматларнинг муваффақиятли ривожланиши учун шариат тамойилларига мос келадиган аниқ меъёрий-ҳуқуқий базага эга бўлиш зарур. Норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш сифат стандартларини ўрнатишга ва Ислом молия институтлари фаолиятида шаффофликни таъминлашга ёрдам беради.

Учинчидан, Ислом молия институтлари бутун дунёдан кўпроқ мижозлар ва инвесторларни жалб қилиш учун халқаро бозорда ўз иштирокини кенгайтиришга интилиши керак. Бунга халқаро банклар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ёки чет элда филиаллар очиш орқали эришиш мумкин.

Тўртинчидан, блокчейн, рақамли платформалар ва бошқа янгиликлар каби замонавий технологияларни жорий этиш мижозларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга ва операциялар хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради ҳамда саноатнинг муваффақиятли ривожланиши учун потенциал мижозлар, инвесторлар, тартибга солувчилар ва жамоатчилик ўртасида Ислом молия тизими тамойиллари бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш керак.

Умуман олганда, Исломий молиявий хизматларнинг ривожланиши шариат тамойилларига мувофиқ бутун дунё бўйлаб кенг доирадаги молиялаштиришнинг муқобил шакллари мавжудлигини кенгайтиришга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Hassan K.M., Lewis M.K. Handbook of Islamic Banking. 2007. 433 p.
3. <https://www.thebanker.com/Islamic-Banking-Awards-2023-1685604285>
4. Kayed, R.N. and M.K. Hassan, The global financial crisis and Islamic finance. Thunderbird International Business Review, 2011. 53(5): p. 551-564
5. Iqbal, Z. and A. Mirakhor, Financial Instruments, in An Introduction to Islamic Finance. 2011. p. 75-98.
6. Nosheen and A. Rashid, Business orientation, efficiency, and credit quality across business cycle: Islamic versus conventional banking. Are there any lessons for Europe and Baltic States? Baltic Journal of Economics, 2019. 19(1): p. 105-135.
7. Zaher, T. and M.K. Hassan, A Comparative Literature Survey of Islamic Finance and Banking. Financial Markets, Institutions & Instruments, 2001. 10: p. 155-199.
8. Kharon S., Nursofiza V., Azmi V. Islamskaya finansovaya i bankovskaya sistema: Filosofiya, printsipy i praktika. Kazan': Linova-Media, 2012. 536 p.
9. Khan M.F. Money and Banking in Islam. Institute of Policy Studies, 2013.

10. Трунин П., Каменских М., Муфтяхетдинова М. Исламская финансовая система: современное состояние и перспективы развития. М.: ИЭПП, 2009. 88 с
11. <https://uz.kursiv.media/2023-10-08/islamskij-banking-v-mirovoj-finansovoj-sisteme-vyvody/>
12. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5-martdagi PQ-4224-son “Islom taraqqiyot banki guruhi va arab muvofiqlashtirish guruhi jamg‘armalari bilan sheriklikni yanada kengaytirish va chuqurlashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi qarori

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

